

## АСАЛАРИ ТУХУМИНИНГ ВАЗНИНИ ОНА АСАЛАРИ СИФАТИГА ТАЪСИРИ

**Н. А. Азизова**

Бухоро давлат университети ўқитувчиси  
[azinodi16@gmail.com](mailto:azinodi16@gmail.com)

**Л. Ф. Каримова**

Бухоро давлат университети ўқитувчиси

**Ш. Ахтамова**

Бухоро давлат университети магистранти

### АННОТАЦИЯ

Бухоро вилояти шароитида маҳаллий популяциядаги асалари оиласидан сунъий усулда она асалари етиштириш учун асалари оиласини қўшимча озиқлантириш туфайли она асалари қўйган тухумининг вазнини ошишига олиб келди. Асалари тухумининг вазни эса она асаларининг сифатига яъни кўп микдорда тухум қўйиши, асалари оиласини кучли бўлиши, она асалариларнинг вазни анча оғир ва унинг тухумдонида тухум найчалари, сони бир мунча кўп бўлишига олиб келади.

**Калит сўзлар:** Сифатли она, гул чанги, тухум найчалари, буғдой майса суви, назорат груҳи, тажриба груҳи, она асалари, асалари тухумидан она асалари етиштириш, тарбияловчи асалари оиласи, асалари личинкасидан она асалари етиштириш, пластмасса косача, қанот узунлиги, қанот кенглиги, 3-тергит, 3-стернит.

### ABSTRACT

In the conditions of Bukhara region, the increase in the weight of eggs laid by queens due to additional feeding of bee families for artificial breeding of queens from the bee family of the local population. The weight of a bee's egg is related to the quality of the queen's large number of eggs, the strength of the bee's family, the weight of the queen's bees, and the number of egg tubes in her ovary.

**Keywords:** Quality mother, pollen, egg tubes, wheat grass water, control group, experimental group, mother bees, mother bee breeding from bee eggs, breeding bee family, mother bee

breeding from bee larvae, plastic cup, wing length, wing width, 3-tergit, 3-sternit

## КИРИШ

Асалари оиласини тарбиялашда асосий эътибор асалари оиласини кучли бўлишига қаратилади. Асалари оиласининг кучи оиладаги ягона Она асаларининг сифатига боғлиқ. Она асаларининг сифати, унинг қанча миқдорда уруғланган тухум қўйиши билан ҳарактерланади. Фақатгина она асаларининг оилада кўп миқдорда тухум қўйиши, асалари оиласини кучли бўлишини таъминлайди, чунки бундай она асалариларнинг вазни анча оғир ва унинг тухумдонида тухум найчалари, сони бир мунча кўп бўлади.

Она асаларининг вазнини оғир бўлишига кўпгина омиллар таъсир этади. Булардан асалари тухумининг вазни, она асалари етиштиришда тарбияловчи асалари оиласининг сифатли бўлиши учун, сифатли озуқа билан таъминлагнанилиги, даладан табиий гулшира ва гулчанганинг келиши, атрофдаги муҳит, об-ҳаво ҳарорати каби кўплаб омиллар сабаб бўлиши мумкин.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шуларни ҳисобга олиб, булар Бухоро вилояти Вобкент туманига қарашли “Саидов Самад Саноевич дехқон фермер хўжалиги”да олиб борилган тажрибага мувофиқ, сунъий усул орқали она асалари етиштиришда асалари тухуми вазнининг она асалари сифат кўрсаткичларига, яъни она асаларининг бир кунлик вазнига ва унинг тухумдонларидаги тухум найчалари сонига таъсирини ўрганиб чиқдик.

Она асаларининг тухуми вазнининг, асалари рамкалари катакчаларидан олинган ғоз патидан тайёрланган, уни силлиқлаштирилган, махсус куракча билан олдик ва уларнинг аниқ ўлчайдиган электрон тарозисида ўлчаб олдик. Бир кунлик она асаларилар вазни ҳам худди шундай электрон тарозиларда ўлчаб олдик. Ўлчаш олдидан уруғланмаган она асаларилар эфир ёрдамида хушсизлантирилди. Хушсизлантирилган она асалариларнинг тухум найчаларнинг сонини аниқлаб олиш учун, улар 70 % ли этил спиртига солиб қўйилди ва улар кейинчалик текшириш учун олиб қўйилди.

Тажрибалар икки хил варианtlарда олиб борилди. I-тажриба гурӯхида етиштирилган она асаларилар қўшимча озиқлантирилмади, II-тажриба гурӯхида тарбияловчи асалари оилалари эса қўшимча равишда 50 % ли шакар шарбатининг 10 литрига,

бир литр майсали буғдой (сумалак) суви қўшиб берилди [1;2;4.]. Ҳар икки кунда бир маротаба 200-250 мг.дан, тарбияловчи асалари оиласининг устки охурчалари орқали озиқлантириб турилди. Асалари тухуми ҳажмини она асалари сифат кўрсаткичларига таъсири тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Асалари тухум ҳажмини она асалари сифатига таъсири**

Гурухлар	n	Асалари тухумининг вазни	Она асалари вазни, мг	Тухум найчалари сони
Назорат кўч она асалари	15	0,118±0,006	198,5±1,50	186,6±1,64
1-тажриба гурухи озиқлантирилмаган	105	0,109±0,005	196,4±1,66	170,8±1,59
2-тажриба озиқлантирилган	98	0,149±0,004	217,6±1,71	191,2±2,21

1-жадвал маълумотларини кўрсатишича, I-тажриба гуруҳидаги 105 та асалари тухумини ўлчангандা, уларнинг ўртача оғирлиги 0,109 мг.га тенг бўлди. Бу тухумлардан етишиб чиккан бир кунлик она асалари вазни эса 196,4 мг.ни ташкил этган, уларнинг тухумдонидаги тухум найчаларининг сони эса 170,8 донани ташкил этган.

II-тажриба гуруҳида эса бу оилалар оқсилга бой бўлган майсали буғдой (сумалак) суви билан озиқлантирилганда, бу манзара бутунлай бошқача бўлган, 98 та асалари тухумини ўртача вазни 0,149 мг.ни ташкил этган, бу I-тажриба гуруҳига нисбатан 0,4 40 мг.га кўп ёки 136,6% га кўп бўлган. Назорат гурухига нисбатан 31,0 мг.га кўп бўлган.

Худдий шундай, бир кунлик уруғланмаган она асаларининг вазни II-тажриба гуруҳида 217,6 мг.ни ташкил этган, ёки бу I-тажриба гурухига нисбатан 21,2 мг.га куп булган. Бу эса 110,8 % га купдир. Назорат гурухига нисбатан эса 19,1 мг.га кўп бўлган. Шунингдек, она асалари тухумдонларидағи тухум найчалари сони II-тажриба гуруҳида 191,2 донани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич I-тажриба гуруҳига нисбатан 19,4 донага кўп, ёки бу 111,9 % га кўп булган. Назорат гурухига нисбатан эса 4,6 донага кўп бўлган.

Шуни айтиш лозимки, бу ерда она асалари шаклланишида асалари тухумининг вазни ҳам асалари ҳаёти учун катта роль ўйнаган. Она асалари ҳаётий ривожланиш даврида, улар фақатгина оиласидаги энага асалариларнинг сутидан кўп микдорда озуқа

оладилар, шунинг учун она асаларилар етишиб чиқсан даврда ҳам, уларнинг кулбасида (онадонида) анчагина сут қолдиқлари фойдаланмасдан қолиб кетади. Шу сабабли она асалари шаклланиш даврида уларни етарлича миқдорда озуқ билан таъминланган бўлади.

Шунинг учун, она асалариларни шаклланиши ва ривожланишида қўшимча равища оқсилли озуқалар билан озиқлантириб туриш ҳам катта таъсир кўрсатади. Бу ерда албатта улар қўшимча озиқлантирилиб, уя ҳарорати, намлиги даладан озуқани келиши инботга олинади.

## ХУЛОСА

Она асаларини шаклланиши ва ривожланишига, унинг озуқаси таркибиغا қўшимча равища оқсилли ва витаминли озуқалардан бўлган майсали буғдой сувидан ( $10 \times 1$  нисбатда) қўшиб бериш [1;2;4.], она асалари личинкаларини тез суръатларда ривожланишини таъминлаб берган. Шунингдек, оғир вазнли асалари тухумидан етук ва соғлом, оғир вазнли она асалариларни, яшовчанлиги ошган ва касалликларга чидамлилиги хам бирмунча ошаган ва улар кўп миқдорда тухум қўйиш қобилиятига эга бўлган.

## REFERENCES

1. Азизова Н., Махмадияров О., 1.Қўлдошева Ф., Тўраев О. Сунъий усулда она асалари етиштиришда сумалак сувини она асалари вазнига таъсири. Чорвачилик бўйича республика илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд, 2019, 82-84 бетлар.
2. Азизова Н., Махмадияров О., Қўлдошева Ф., Тўраев О. Майсали буғдой (сумалак) сувини асалари оиласи маҳсулдорлигини оширишга таъсири. Чорвачилик бўйича республика илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд, 2019, 79-81 бетлар.
3. Бойценюк Л.И., Малиновский Н.В., Новый прием увеличения массы маток и трутней. Ж. Пчеловодство, 2001, № 1, стр. 19-20.
4. Азизова Н.А., Тўраев О., Дониёров С.Т., Махмадияров О.А. Искусственных вывод маток на пасеках. Ипакчилик институти 90 йиллигига бағишлиланган материаллари тўплами. Тошкент, 2017, 290-293 бетлар.
5. Азизова Н.А., Тўраев О.С., Дониёров С.Т., Махмадияров О.А. Сунъий усулда она асалари етиштиришда личинкаларни пайвандлашнинг мухим босқичлари. Ипакчилик институти 90

йиллигига бағишиланган материаллари түплами. Тошкент, 2017, 293-300 бетлар.  
6. Азизова Н. А. БУХОРО ШАРОИТИДА АСАЛАРИ ЛИЧИНКАЛАРИДАН  
ОНА АСАЛАРИ ЕТИШТИРИШ БИОТЕХНОЛОГИЯСИ //Scientific progress. –  
2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 1491-1495.  
7. Usmonova G. I., Xo'Janiyozova B. X., Ochilova G. A. TUPROQNING  
BIOLOGIK FAOLLIGIDA MIKROORGANIZMLAR ROLI  
AZOTOBAKTERNING XUSUSIYATLARI //Academic research in educational  
sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 6. – С. 139-143